



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ “АТАМЕКЕН” МТР ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ТИМУР ҚУЛИБАЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Учрашувда Давлат раҳбарига бизнес шүбъасининг ахволи, маҳаллий тадбиркорликнинг муаммолари, шунингдек, Миллий тадбиркорлар палатасининг ушбу соҳадаги ишлари натижалари ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда агросонаат мажмусининг ривожланиши, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига молия айланмасининг зарурияти, иқтисодиётнинг бошқа шўйбалирига маблағнинг тақсимланиши ҳақида баёнот берилди.

ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ ҲУКУМАТНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИНИ ҮТКАЗАДИ.

2020 йил 24 январь, жума куни Ҳукумат уйида Президент Қасим-Жўматр Тўқаев раислигига Ҳукумат мажлиси ўтади. Унда Ҳукумат мамлакатимизни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижалари ҳақида ҳисобот беради. Шунингдек, Давлат раҳбари Ҳукуматга мамлакатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича берган топшириклигининг қандай бажарилаётгани таҳлил килинади.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

М. Д. Айтеновни Шимкент шаҳри ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Мурат Дүйсенбекули Айтенов Шимкент шаҳри ҳокими этиб тайинлансан.

Қ. ТЎҚАЕВ,
Қозогистон Республикаси
Президенти.

Нур-Султан, Ақёрда, 2020 йил 21 январь.



Мурат Дүйсенбекули 1981 йил 30 октябрда Жанубий Қозогистон вилоятининг Жетисай шаҳрида дунёга келди. 2004 йили С. М. Штеменко номидаги Краснодар ҳарбий институтини тутатган. 2011 йили

Қарағанди иқтисодий университетининг юридик факультетини битирган. Мехнат фаолиятини 2004 йили Астана шаҳрида ҚР Мудофаа вазирлиги қошидаги маҳсус алоқа бўлимида бошлаган. 2010-2013 йиллари ҚР Президенти Иш бошқармасининг расмий тадбирлар ҳамда ташки алоқалар бўлими мудири ўринbosari, мудири, 2013-2016 йиллари ҚР Президенти Иш бошқармасининг девон раҳбари лавозимида ишлади. 2017-2019 йиллари ҚР Президенти Иш бошқарувчисининг ўринbosari, 2019 йили декабрдан бўён Шимкент шаҳри ҳокимининг биринчи ўринbosari бўлган.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!



TURKISTAN
janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 23 январь, пайшанба, №7 (2782).

АБАЙ ТЎЙИ БОШЛАНДИ 175



Буюк қозоқ шоири ва мутафаккир Абай Қунанбайули таваллудининг 175 йиллиги очилишига бағишинган “Қозоқ ҳалқи – Абай ҳалқи” тадбирида Давлат раҳбари Қасим-Жўматр Тўқаев ва Қозогистоннинг Тўнгич Президенти – Элбоши Нурсултан Назарбаев иштирок этиб, мамлакатимизнинг барча минтақалари ҳамда хориж давлатларида йил давомида ўтадиган тадбирларни расмий турда бошлаб беришди.

Тадбирни Маданият ва спорт вазири Ақтўти Райимқурова очиб, Абай йилинг аҳамиятига тўхтади.

– Биз Абайнинг тўйига жамият онгни янгилайдиган жуда муҳим тадбир сифатида улкан аҳамият берамиз. Абай мероси – янги Қозогистоннинг янада гуллаб-яшинашига йўл очадиган бебаҳо қадрият. Буюк мутафаккирнинг васиятига доим содик қолсак, кучли мамлакат

сифатида ривожланамиз. Абай тўйи – Элбошимиз бошлаган “Маънавий янгиланиш” дастурининг муҳим бир қисми. Тўнгич Президентимизнинг бугунги улкан тадбирда қатнашиши бутун Абай меросини тарғиб қилишга алоҳида туртки бериши аниқ. Ҳалқимизнинг бўйтумори – Абайнинг ибратини келажак авлод онгига сингдирish – барчамизинг бурчимиз. Шунинг учун миллати-

мизни улуғлайдиган бундай эзгу тадбирга ҳамжиҳатлик билан киришайлик, – деди вазир.

Тадбирнинг расмий қисми концерт дастурига уланиб кетди. Саҳна тўрига кўтарилиган қозоқ санъати арబоблари Абай оламининг сирларини санъат тилида етказиши. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлардан иборат тадбирда буюк оқиннинг ижоди ёрқин намоён бўлди. Саккиз бўйлимдан иборат кечада драма театри, опера ва балет, анъанавий ва лирик мусиқа бир-бирини тўлдириб, саҳнада ажойиб кўриниш кашф этди.

Akorda.kz

ТУРКИСТОНГА 1,5 МЛН. САЙЁХ ТАШРИФ БУЮРДИ TURKISTAN

Ўтган йили X. А. Яссавий мақбара-сига келган меҳмонлар сони 1,5 млн.ни ташкил этди. Бу кўрсаткини 2025 йилга бориб 5 млн.га етказиш режага киритилган. Буни Туркистон вилояти ҳокими ўринbosari М. Мирзалиев маълум қилди.

У туризм соҳасининг асосий индикаторлари аввалги йилларга нисбатан ўсаётганини айтди.

– 2019 йилнинг 11 ойида меҳмон-

хона ва ресторонларга жалб этилган инвестиция ҳажми 13 млрд. тенгени ташкил этиб, республикада энг яхши учлика кирдик. Туркистон-Ўтрор йўналишидаги тарихий-маданий, Сариоғоч курорти ҳудудида даволашсоғломлаштириш, Туплибон, Тўлебий туманларида экологик туризм турлари жадал ривожланаб бормоқда, – деди вилоят ҳокимининг ўринbosари.

(Давоми 2-бетда). ►

2020 йил 14 февраль куни соат 11.00да Туркистон шаҳридаги X. А. Яссавий номидаги XҚТУнинг Маданият саройида Туркистон вилояти ҳокими Ў. Шўкеев 2019 йилда амалга оширилган ишлар бўйича аҳоли олдида ҳисобот беради.

Шунга кўра, савол ва фикр-мулоҳазаларингизни ёзма равишда вилоят, туман, шаҳар ҳамда қишлоқ округлари ҳокимликлари биноларида ўрнатилган кутиларга солиш, электрон шаклда Туркистон вилояти ҳокимининг жамоат қабули саҳифасига (@Omirkak.Shokeev), takimat@ontustik.gov.kz электрон почта-сига ёки 8702 198 53 23 рақамига «WhatsApp» орқали йўллашингиз мумкин.

Шунингдек, саволлар, фикр-мулоҳазаларингизни вилоят ҳокими девонининг 8(72533) 5-98-90, 5-92-40 телефон рақамларига кўнгирок қилиб ёки почта манзилига ёзиб юбориш мумкинлигини ҳам маълум қиласиз.

АБАЙ НОМИ БАРҲАЁТ

Буюк файласуф ва қозоқ ёзма адабиёти асосчиси, маърифатпарвар шоири Абай Қўнанбаев рус, араб, форс тилларини мукаммал билган.

Абай ижодининг муҳим қирраларидан бири – ёш шоирларни тарбиялаши бўлди. У ёшларга доимо ҳомийлик қилди.

Абайдан 300га яқин шеърий асар ва достонлар етиб келган. Унинг ижодида ҳалқни илм-маърифатга, инсонийликка, ҳалолликка, севги-садоқатга, муҳаббатга даъват этиш ғоялари асосий ўрин эгаллаган.

Оқиннинг ижодида муҳаббатсиз, дўстликсиз ҳаёт бўлмайди, деган фикр илгари сурилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Абай қозоқ адабиёти ва қозоқ тилига асос солган аллома. Унинг шеъру достонлари, насрый асарлари, таржималари қозоқ ҳалқининг миллий-маънавий ифтихори бўлиб қолади. Зоро, у ҳалқларни дўстлик ва биродарликка, ҳамжиҳатликка даъват этди, тинчлик ва осойишталикни, меҳр-муҳаббатни улуғлади.

**Мусирали ТЎҒИСОВ,
Шимкент шаҳар маслаҳати депутати.**

ФАМХҮРЛИКНИ КҮЗЛАГАН ДАСТУР

Туркистан вилояти ҳокими Үмирзак Шүкеев топширигига биноан янги дастур пайдо бўлди. Буни вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилди.

“Фамхўрлик” минтақавий дастури ҳудудда яшаётган ёрдамга муҳтоҷ кишиларга қўмак бўлади. У давлат ёрдамидан ташқари алоҳида амалга оширилади. Турмуш қийинчиликларига дучор бўлган оиласаларга ҳар томонла мағомма ғамхўрлик кўрсатиш орқали,

комиссия ташкил этилади. Унинг таркиби қишлоқ оқсоқоллари ва маҳаллий фаоллар ҳам киради. Мазкур тадбирда ҳомийлар ҳам қатнашади. Мажлисда вилоят раҳбари қўмакка муҳтоҷ кишиларни аниқлаб, бундай оиласалар билан шахсан учрашишини таъ-

ка бюджети ҳисобидан 1,6 млрд. тенге маблағ ажратилган. Зта коллеж ишонч бошқарувига беради. Мактаб ўқувчилари сони йил сайин 20 мингга ортиб бормоқда. Шунга биноан қатор туманларда янги таълим масканларини куриш



уларнинг қашшоқлик доирасидан чиқишига имконият яратилади. Улар билан туман, шаҳар ҳокимлари бевосита иш олиб боришаади.

Эҳтиёжманд фуқароларга маҳаллий бюджетдан мамлакатимизда белгиланган яшаш минимуми ҳажмидаги маблағ ажратилиб, оиласининг меҳнатга лаёкатли аъзоси ишга жалб этилади. Уларни аниқлаш учун маҳсус

кидлади.

Мажлисда “Педагог мақоми тўғрисидаги” Конун лойиҳаси, вилоятнинг таълим соҳасидаги қатор масалалари муҳокама қилинди. Минтақада 8та туманда истеъоддли болаларга мўлжалланган мактаблар очиш масаласи ҳал этилоқда. 5та коллеж “Ёш мутахассис” лойиҳасига киритилиб, уларни асосий ўқув қуроллари билан таъминлашга республи-

масаласи долзарб. Шунингдек, мактабларда қўшимча билим бериш мақсадида спорт тўгараклари ва “Ўқувчилар саройи”лари очилади.

Минтақа раҳбари барча туманларнинг ҳокимларига таълим соҳасига эътибор бериб, муҳим масалаларни ечиши топшириди.

**“Жанубий Қозогистон”
муҳбири.**

КУЛТУБЕ ҚАЛЬАСИ ЮНЕСКО ЭЪТИБОРИДА

Туркистан шаҳрида Бутундуңे мероси соҳасидаги ҳалқаро тадқиқотчилар иштирокида давра сұхбати ўютирилди.

Унда Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбараси атрофидаги тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таништиришга доир асосий масалалар муҳокама қилинди. Култубе шаҳарчасининг ҳар бир ёдгорлигини консервациялаш ва асл ҳолига келтириш ҳамда илмий-текширишга алоҳида эътибор қаратилиб, олимлар мазкур иншоотларнинг келажакда археологик паркка негиз бўлишига ишонч билдиришиди.

Лойиҳанинг илмий етакчиси Андрей Хазбулатов тадқиқотчилар

эътиборига Култубе шаҳарчаси лойиҳаси бўйича режаларини ҳавола қилди. Ҳалқаро тадқиқотчилар ҳамжамияти лойиҳанинг таҳлил гуруҳи аъзоси, таниқи мөъмор, Ўзбекистондаги реставрациялаш илмий-loyiҳалаш институти ходими Владимир Артемьев тавсия қилган лойиҳаларни муҳокама қилдилар.

Илмий ходимнинг фикрича, Култубе шаҳарчаси факат Қозогистон учунгина аҳамияти эмас. У қадимги Ясси шаҳрининг бир қисми бўлганлиги учун ЮНЕСКО вакиллари консервация ва асл ҳолига келтириш масаласига чукур ёндашдилар.

Култубе шаҳарчаси бўйича илмий ишлар натижалари ва архео-

логик ишлар, келгуси режалар ҳалқаро тадқиқотчиларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, “Култубе шаҳарчаси” очиқ осмон остидаги музей-паркни куриш учун Қозоқ илмий-тадқиқот маданият институти Eurasian Resources Groupning молиявий қўллови билан иш олиб бормоқда. Зеро, қалъадаги илмий изланишлар натижалари Бокудаги Бутундуңе мероси қўмитасининг мажлисида, Парижда ва Туркистондаги ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида муҳокама қилинган эди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ТУРКИСТОНГА 1,5 МЛН. САЙЁХ ТАШРИФ БУЮРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятда жами 168та меҳмонхона, 51ta касалхона, 60ta дам олиш маскани хизмат кўрсатади. Эколо-гик, тарихий-туризм йўналишида 57

та сайёхлик йўналиш ҳозирланган. Шунингдек, Туркистан шаҳрида меҳмонхоналарни ҳалқаро талабларга мувофиқлаштириб, таъмирдан ўтказилмоқда.

– Бугунги кунда Туркистанда

туристларга тўлиқ маълумот берадиган “Ташриф маркази”, “Буюк Ипак йўленинг миллий анъанавий хунармандчilik маркази”, ҳалқаро аэропорт, “Яссавий музей” ва бошқа иншоотлар қурилиши юритилмоқда, – деди ҳоким мувонини.

**Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.**

ЎТГАН ЙИЛ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, Минтақавий коммуникациялар хизматида вилоят ҳокимининг ўринбосари М. Мирзалиев минтақадаги тадбиркорлик, сармоялар ва экспорт, туризм, табиатни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича 2019 йилда бажарилган ишлар якунига бағишлиланган матбуот анжуманини ўтказди.

Брифингда у ўтган йили эришилган натижаларга тўхтади. Чунончи, саноат маҳсулотлари ҳажми 500 млрд. тенгега ётган, шундан 245 млрд. тенгеси ишлаб чиқариш соҳасига тегиши. Бундай муваффакиятлар озиқ-овқат саноати, енгил, кимё саноати, машинасозлик, фармацевтика каби тармоқларда ҳам кузатилади.

Журналистлар билан учрашувда вилоятдаги сармоянинг ўсиш суръати республика бўйича 14 ўриндан 2-ўринга кўтарилиган алоҳида таъкидланди.

– 2019 йилда қайта ишлаш саноати тармоғига жалб этилган сармоя миқдори 20,8 млрд. тенгени ташкил этиди. Илк бор 2019-2024 йилларга мўлжалланган Туркистан вилоят сармоявий лойиҳалар рўйхати тузилиди. Унга умумий қиймати 3,4 трлн. тенгелик 374та лойиҳа киритилди. Улардан 50таси муваффакиятли амалга оширилди, – деди ҳоким ўринбосари.

Вилоятимизда 141992та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Уларнинг иқтисодий кўрсатичлари яхши бўлгани учун ўйлап натижаларига кўра вилоят республикада иккичи ўринга лойиқ топилди.

Нотик туризм соҳасидаги ишларни ҳам сарҳисоб қилди. Ҳусусан, Яссавий мақбараси келиб-кетувчи зиёратчилар сони 1,5 млн. одамини ташкил этган. 2025 йилда ушбу кўрсатичини 5 млн.га етказиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бунинг учун Туркистан шаҳрининг қиёфасини янгилаб, саёҳатчилар учун зарур шартшароитларни яратиш – долзарб вазифа.

ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛИ НАСИЯЛАР

Туркистан вилоятидан 141992 та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Бу ўтган йилга нисбатан 108,6 фоиз кўп. Ушбу кўрсатич билан минтақамиз республикада II ўринга чиқди. Буни вилоят ҳокими ўринбосари Мейиржан Мирзалиев маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари 450 млн. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу ўтган йил билан тақдолаганда 133 фоизни ташкил этиб, Туркистан вилоят республикада I ўринга кўтарилиди.

– Тадбиркорликни молиялаштириш учун 2019 йилда 74,6 млрд. тенге кўзланниб, шу маблағ доирасида 5 мингдан зиёд кичик ва ўрта тадбиркорлик лойиҳалари ҳамда 42 мингга яқин қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари молиялаштирилди, – деди вилоят ҳокими ўринбосари.

Шунингдек, “Фамхўр”, “Ёш тадбиркор” ҳамда “Тадбиркор аёл” дастурлари доирасида 1 фоиз устама ҳақ билан тадбиркорларга молиявий кўмак кўрсатилиди. Шу жумладан, Арис шаҳри бўйича 320 млн. тенгега 86та лойиҳа молиялаштирилб, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан самарали ишлар бажарилди.

ВИЛОЯТИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Журналистлар билан ўтган брифингда вилоят ҳокимининг ўринбосари М. Мирзалиев тадбиркорлик борасида бажарилган ишларга ҳам кенг тўхтади.

– 2019 йилда тадбиркорликни қўллаб-куватлаш борасида самарали ва залворли ишларни амалга оширилди. Чунончи, Индустривий-инновациявий ривожланиш дастури доирасида тадбиркорлик соҳасига 22 млрд. тенге ажратилиб, 800та иш жойи барпо этилишига ўришдик. 2020 йилда 20та лойиҳани ишга туширишни кўзламоқдамиз.

Шунингдек, “оддий буюмлар иқтисодиёти” соҳасида товар-буюмлар харидини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар таъминоти ҳисобидан тўлдиришига ҳам катта эътибор берилди. Ҳусусан, енгил саноат маҳсулотлари – 60, жиҳоз – 62, қурилиш ашёлари – 67, озиқ-овқат – 85 фоизига бажарилиб, сўнгги йўналиш бўйича Туркистан вилоят республикада биринчи ўринга кўтарилиди, – деди М. Мирзалиев.

**Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.**

● Ажодлар ибрати

БУЮК МУТАФАККИРНИНГ АХЛОҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

2020 ЙИЛДА ҚОЗОҒИС-
ТОНДА ЎРТА АСРЛАРНИНГ
БУЮК МУТАФАККИРИ АБУ
НАСР АЛ ФОРОБИЙНИНГ
1150 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИ-
ШОНЛАНАДИ.

Ушбу шонли сана муносабати билан газетамизда улуғ ажододимизнинг бебаҳо меросини тарғибот-ташвиқот, маълум ва номаълум қирраларини очиши ҳаракат қилимиз. Билгланларга эслатма, билмаганларга бир маълумот бўлади, деган умиддамиз.

У 870 йилда ҳозирги Ўтрор, ўша пайтдаги Фороб қишлоғида, туркӣ қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида туғилган.

Қозогистон ва Ўзбекистонда қатор форобийшунос олимлар тадқиқотлар қилиб, машҳур бобомизнинг ҳаёти ва иходи соҳасида қизгин фаолият кўрсатмоқдалар. Қўйида шулардан бири билан танишинг.

Буюк файласуфнинг ахлоқа оид фикрлари

Мусулмон Шарқида Арастучилик оқимини буюк араб мутафаккири Ал Киндий бошлаб берган бўлса, унинг асосчиси туркистонлик комусий аллома Абу Наср ал-Форобий ҳисобланади. Арасту (Аристотель) изидан бориб, Форобий ҳам фалсафани иккига – назарий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликни амали фалсафа таркибида киритади. Ахлоқий муаммолар унинг «Бахтга эришиш йўлуни кўрсатувчи китоб», «Бахтга эришив ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шахри» сингари асарларда кўрсатилган. Уларда инсон бахти энг асосий муаммо сифатида ўртага ташланади. «Бахт – ҳар бир инсон интиладиган мақсад, зеро у муайян комиллик ҳисобланади», – дейди Форобий. Айни пайтда аллома ўз қарашпарида фазилатга ҳам жуда катта ўрин беради. Чунки, унинг фикрига кўра, кимда-ким фазилат нималигини билсанга, ҳақиқиётини бахтга эриша олади. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни иккى қисмга – фазоили нутқия (ақл-идорка) асосланган фазилатлар ва фазоили хул-

кия (хулқий фазилатлар)га ажратади ҳамда уларнинг ўрталик ҳусусиятларини таъкидлаб ўтади. Форобий ҳаёт ва мамот муаммосига ҳам батафсил тўхталади. Унинг фикрига кўра фазилатли киши ўлим туфайли баҳти ортирувчи ҳатти-ҳаракатларни кўпроқ амалга ошириш имкониятларидан маҳрум бўлади. Шунинг учун унинг ўлимидан кўркиши бошқаларнидан бутунлай ўзгача; у ўлим туфайли улкан бир ёвузилик курбони бўлаётганидан эмас, балки яхшиликни камроқ қилишга маҳкум эканидан чўчиди. Фазилатли одам ўлган ёки ўлдирилганда, у эришган баҳтга ҳавас қилиш лозим, унга эмас, балки ундан ажраб қолган ҳамشاҳарларининг ҳолига йиғлаш керак бўлади. Буюк ватандошимизнинг фикр қилишича, инсонга уни гўзал аъмоллар қилиш учун ўйналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хуљ лозим. Хулқинг яхшилиги ҳатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Одобни эса мутафаккир бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағаллининг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди. Форобий, баъзилар ўта лаззатга берилиши, ейиш-ичиш ва аёлга ружу кўйиш туфайли жуда бўшашиб кетади, иродаси заифлашади, унда рисоладаги



нафрат ҳамда газаб ҳисси йўқолади, дейди. Бутун кучни ўз нафсига сарфлайдиган кишида улуғворлик тубанлика хизмат қила бошлияди, яъни фикрлаш қобилияти газаб ва эҳтирос кучлари хизматида бўлади, бу кучнинг ҳаракати эса ейиш-ичиш ҳамда шаҳвоний нафсни қондиришга багишиланади. Файласуф бундай кишиларнинг араб ва турк зодагонлари орасида кўпроқ учрашини айтади. Бундай кишилар шаҳвоний истаклари куткуси билан, аёллар олдида мақтаниши хуш кўрадилар, уларни тақинчоқ, безакларга кўмид ташлайдилар, фойдали меҳнатдан четда тутадилар, улар нима деса, шуни қиладилар. Натижада аёл уйнинг ҳақиқиётини бўлниб олади, турли тантликларни одатга айлантиради. Демак, Форобий оила баҳтини эҳтиросларни ўйла сола олишида деб билади, аёл кишининг безакларга кўмид ташланган қўйиркоқ бўлишига қарши туради.

(Ў. Жалолова: Қадимги Шарқ ахлоқий тафкорнинг бешиги сифатида)

Н. МАВЛОНОВА тайёрлади.

● Қўнгил кечинмалари

Ханбиби Есенқара қизи хонадонида



Янги йилнинг илк кунида ҳассос шоира, таникли адиба, моҳир таржимон Ханбиби Есенқара қизининг хонадонида камина, турмуш ўртоғим шоира Соатой Камол қизи ва ижодкор Зокиржон Мўминжонов меҳмонда бўлдик. Аввалроқ, ўтган йилнинг декабрь ойида Шимкент шаҳридаги Қозогистон ҳалқи Ассамблеяси биносида унинг 70 йиллик юбилей кечасида қатнашгандик. Ўшанда Ханбиби опанинг: «Сенниң Шымкентына шыдап жўрмызғой», деган сўзини эшитганидан бўён, у билан юзма-юз келсан, қандай сұхбатлашар эканман, деган бир ҳадик бутун вужудимни қамраб олганди. Лекин шеърларини, бадий асарларини ўқиганимда, опанинг чуқур мулоҳазали, кенг мушоҳадали, рус биродорларимиз айтгандай “улкан қалбли шахс”лигини тасаввур қилгандим. Адашмабман!

Хонадон эшиги очилиб, шоиранинг бизни кутиб олишдаги мулоҳзаматиданоқ қалбимни ўзгача бир тўйғу қамради. Ташрифимиз боиси, «Жибек» қиссаси ҳамда яна бир неча бошқа ҳикояларини Соатой Камол қизи томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси ҳақида муаллифнинг фикрини билиш эди. Мулоқот бошлангандаги ҳолатимни тасаввур қилиб кўринг, энди...

Бундай вазиятга талабалик йилларим, устоз шоир Абдулла Орипов (Жойлари жаннатда бўлсин!) билан биринчи бор сұхбатлашганимда тушгандим. Сұхбатлашгайлан, деб бундай эътибор берсан, бир сўзим боғдан, бири тоғдан келяпти. Ханбиби опанинг салобати босдими ёки юқоридаги гапи таъсир қилдими, ўша ҳолат яна тақрорланадётгандек эди. Лекин ижодкорлар билан аралашиб юрганим наф бердими, ҳарқалай, тезда ўзимни ўнглаб, сұхбатга киришиб кетдим.

Сұхбат давомида, кўзларидан нур ёғилаётган опанинг қалбидаги ҳаёт умоми баъзан сокин, баъзан пўртана бўлиб, қирғоқдан тошаётганини ҳис

қилдим. Унинг тимсолида ҳақиқат учун бургутдек чанг солувчи, яхшилик учун онадек бағрини очувчи, хокисор, меҳри бекиёс аёлни кўрдим. Асар ҳақида гаплашганимизда, тўлқинланиб, кўзига ўш олгани, бир қараганда, хандон отиб кулганига ҳайрон бўлдим. Қисса ҳаракамони – шоиранинг момоси Жибекнинг ҳаёти ҳақида гап очилганда сұхбатлашиш анча мушкул кечди. Шу лаҳзаларда у момосининг бу алғов-далғовли дунёдаги мушақатли, азоб-уқубатда кечган серғалва ҳаётини кўз олдидан ўтказган бўлса не ажаб! Сўзларини эшитиб, «Жибек»ни ўқиган пайтимдагидай эзилдим, кўзимга ўш қуйлаверди! Во ажаб!

ИНсон боласига ташқаридан эшитган гап-сўзлар, ҳақ-ноҳақ фикрлар, қонимизга сингиб кетган иғволарга ишониб, юзаки баҳо бериш гирт ахмоқлик эканига яна бир бор амин бўлдим. Одам ҳақида унинг ички дунёсини билмасдан, ҳеч бўлмагандан мулоқот қилмасдан ёки кўзларини кўрмасдан хулоса чиқариш – кечирилмас хатолик эканини англадим. Ҳақиқатни сўзловчи инсонлар эса ҳар даврда бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бўлади. Улар жамиятда юз бераётган ноҳақликларни айтаверадилар, ёзверадилар. Токи, она заминимиз ёмонликлардан, иллатлардан поклангунича!

Ҳар дам десанг, ҳақни дегил,
ёлғонни дема,
Денгиз узра суза олмас,
ул тешик кема.
Ҳақиқат ҳеч ўтда ёнмас,
сувга ҳам чўймас,
Куёш янглиғ тафт ҳам берар,
ёғдуси сўнмас.

Учрашувдан бир олам таассурот билан қайтдик. Насиб этса, яқин кунларда “Жибек” қиссаси китобхонларга ўзбек тилида ҳавола этилади.

Рауф АБДУГАФФОР,
“Ижодкор” адабий
бирлашма аъзоси.



Шимкент шаҳридаги «Ўтрор» кутубхонасида таниқли шоир, моҳир журналист, Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улиқбек Есдаулет билан ижодий учрашув ўтди. «Мартабали шеърият минбари» деб номланган адабий тадбирни Ҳалқаро «Алаш» мукофоти соҳиби, шоир Нармаҳан Бегалиули олиб борди.

У жорий йилда улуғ мутаффакирлар Абу Наср ал Форобий ва Абай Қунанбаевнинг 1150 ва 175 йиллик юбилейлари нишонланишини эслатди.

– Бу борада Шимкент шаҳрида бирмунча ишлар амалга оширилди, – деди у. – Мана, бугун «Женс» истироҳат боғида «Шеърият ҳиёбони» очилиб, унда У. Есдаулет иштирок этди. Энди ҳар жумада бу жойда Қозогистоннинг турли бурчакларидан келган атоқли шоирлар шеърларини ўқишиади, мушоиралар уюштирилади...

Дастлабки табрик сўзи Шимкент шаҳри ҳокимига берилди. У Элбоши Н. Назарбаевнинг «Келажакка йўлламна: маънавий янгиланиш» дастурий мақолосида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича республиканинг уччини мегаполисида амалга оширилаётган ишларга тўхтади. Ҳоким Қозогистон Давлат мукофоти совриндори У. Есдаулет билан учрашувнинг маънавият соҳасида режаланган мухим тадбирлардан бири эканини таъкидлаб, меҳмоннинг кифтига зарбоф тўн ёпди.

Шундан сўнг У. Есдаулет ижоди ҳақида ўзувчи ва шоирлар – Ҳалқаро «Алаш» мукофоти соҳиблари – М. Байгут ҳамда Х. Есенқара қизи, шунингдек, Жанубий Қозогистон давлат педагогика университети доценти А. Жаппарқулов ва «Шымкент кепбети» газетаси бош мухаррири Б. Тайжан сўзлайдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан ташриф буорган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги етакчи мухаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира Озода Бекмуродова У. Есдаулет ижоди ҳақида фикр-мулоҳзалини билдириб, «Қарагай» китобига

кирган шеърларга юксак баҳо берди. Мехмон мазкур тўпламнинг иккى қардош ва қондош ҳалқлар адабий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, «Гулдор гилам» шеърини ўқиб берди ҳамда муаллифга гулдаста армугон қилди.

Учрашув давомида қозогистонлик ўзбек ижодкорлари – А. Пратов, С. Акромов, З. Мўминжонов, У. Каримова, Д. Сайфуллаев, С. Камолова, М. Шодиматова, Б. Муталов таржималари асосида Тошкент шаҳридаги «Наврӯз» нашриётида чоп этилган «Қарагай» китобининг тақдимоти ўтди. Китобнинг рамзий тасмасини кирқиши шарафи Шимкент шаҳри ҳокими, шоирлар Х. Есанқара қизи ва А. Пратовга наисиб этди.

Сўнг сўз навбати У. Есдаулетга берилди, у шаҳар раҳбариятига адабий вакиллари, шу жумладан, шоирларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун миннатдорчилек изҳор этди. Шоир «Ижодкор» адабий бирлашмаси ташаббуси билан нашар этилган «Қарагай» китобининг назм ихлосмандлари манзур бўлишига ишонч билдириб, шахсий ижодидан янги намуналар ўқиб берди.

Қозогистон ўзбек этномаданият бирлашмалари «Дўстлик» ҳамжамиятининг раиси И. Ҳошимжонов У. Есдаулетнинг қозоқ-ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлашдаги хизматини таъкидлаб, шоирнинг кўксига «Дўстлик» кўкрак нишонини тақди. «Жанубий Қозогистон» газетаси директор-баш мухаррири А. Сотовдиев ва А. Пратов шоирнинг кифтига тўн ёпиб, совға-саломлар тақдим этишиди.

Тадбирда Қозогистонда хизмат кўрсатган артист Қ. Шўйинбаев Абайнинг «Кўзимнинг қораси» кўшиғини ижро этди. ЖҚДПУ талабалари, шаҳардаги 65-сонли гимназия ўқувчилари шоирнинг шеърларини ёддан ўқишиди.

З. МўМИНЖОНОВ.
Тасвирида: тадбирдан лавҳа.
Муаллиф сурати.



ЯНГИ АЛИФБО ҚАНДАЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА?

2018 йил 20 февралда Қозоғистоннинг Тұнгич Президенти Н. Назарбаев янги қозоқ алифбоси потинча вариантини тасдиқлаган, унда ҳарфлар устига чизиқчалар қўйилган эди. Ә, И, Й, Ғ, Н, Ө, Ў, У каби ҳарфларнинг потинча шакли ўзгарилиб, шунингдек, диграфлар (sh, ch) ҳам киритилган эди.

Үтган иили 21 октябрда Қозоғистон Президенти Қ. Тұқаев потин ёзувидағи қозоқ алифбосини тақомиллаштириш ғоясина илгари сурди. Президент алифбода камчиликлар борлигини қайд этди. Масалан, катта ҳарф билан ёзиладиган қозоқ тилидаги I ҳамда И ҳарфлари ўртасидаги тушунмовчилик. Потин ёзуvida бу иккала ҳарф бир хил белги билан ифодаланмоқда.

Бундан ташқари тильтүнос мутахассисларнинг айтишларына, танланған потинча вариантиң қозоғистонлар үнчә күллаб-куватлашмаяпты. Шу сабабли, ёшлар ўртасида сўровномалар уюштирилиб, улардан ўз гаджетларидан потинча матнни қандай териш бўйича мълумотлар олинмоқда. Шунингдек, поятьхтадига битта мактаб ўқувчилари, Гумилёв номидаги ЕМУ магистрантлари ҳамда республика ўқитувчилари алифбонинг турли вариантлари муҳокамаси учун ҳавола этилмоқда. Алифбонинг энг сўнгги варианти ҳар томонлама таҳлил қилиб кўрилгандан сўнгнина расман қабул қилинади. Ҳозир тильтүнос олимларга қўйилаётган асосий вазифа – қозоқ потинчасини фуқаролар учун осон ва қулақ қилишdir.

ЛОТИНЧАНИНГ САККИЗТА ВАРИАНТИ

Президент Қ. Тұқаев Қозоғистондаги потин алифбосига масъул “Тіл-Қазына” миллий илмий-амалий марказига алифбони мукаммаллаштириш топширигини бергандан буён бутун Қозоғистондан 20дан ортиқ вариант келиб тушган.

Улар орасидан саккизтаси танлаб олинди. Алифбога янгича тус беришни хољовчиларнинг аксарияти қозоқ алифбосини имкон қадар инглизчага яқинлаштиришни истайди.

Ваҳоланки, бу ҳол, яъни ҳалқаро фонетика ҳар доим ҳам миллий тилларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ифодалай олмайди, деб ҳисоблашади тадқиқотчилар.

Бугунги кунда жаҳонда 52та алифбо мавжуд бўлса, шундан 36 фоизи потин ёзуvida, 18 фоиз – хитойча, 11 фоизи – арабча. Лекин, шунга қарамасдан, ҳар бир мамлакат ўз алифбolarини бир-биридан фарқлаб туриш учун қўшимча белгиларни қўллашади. Шу боисдан қозоқ алифбоси ҳам инглизчанинг тўлиқ кўчирмасига айланниб, 26та белгидан иборат бўла олмайди.

Сабаби, қозоқ тилининг ўзига хослиги мавжуд. Бундан ташқари, Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркия каби туркий мамлакатларда ҳам ўз тилларининг ўзига хослигини англатиб турадиган қўшимча белгилардан фойдаланилади.

Бундай қўшимча белгилар тилларнинг ўзига хос ҳусусиятларини сақлаб қолиш учун керак. Ва бугунги кунда ҳалқаро фонетика алифбосида 52та асосий тил бўлса, қўшимча 107та белги ҳам бор.

Марказга тақдим этилган саккизта вариантнинг тўрттаси, яъни тўрт муаллиф ўз ишларида 26та белгидан фойдаланмоқда. Муаллифлар ўзига хос

Маълумки, Нур-Султан шаҳрида жойлашган “Тіл-Қазына” миллий илмий-амалий маркази миллий алифбони такомиллаштириш ишлари билан шуғулланади.

Яқинда ушбу марказнинг ижорий директори Е. Тлешов ОАВ вакилларини сўнгги янгиликлардан боҳабар этди.

БУ ИШДА ШОШИШ ЯРАМАЙДИ

товушга эга қозоқ ҳарфларини алоҳида қоидалар асосида ифодалашни тавсия этишмоқда.

Марказ раҳбарияти эса, бу ишга унчалик рўйхўшлик бермаяпти. Чунки, қозоқ тилида ўн минглаб сўзлар мавжуд, ҳар бирiga алоҳида қоида ёзиладиган бўлса, бу жуда катта вақт ва харажатни талаб қиласди. Мамлакат раҳбарияти эса тилдан фойдаланишда енгиллик ва қулайлик ғоясини илгари сурмоқда.

Қозоқ тилининг инглиз тилидан фарқи шундаки, сўз қандай айтисла, худди шундай тартибида ёзилади. Лотинчадан келиб чиқсан роман гурухига мавжуд тилларда эса айрим сўзлар талафузда бошқа, ёзувда бошқадир.

ЛОТИНЧАГА ЎТИШ – УМУМХАЛҚ ИШИ

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур умумхалқ ишида нафақат тильтүнос-филологлар, балки математиклар, мухандислар, физиклар, IT-мутахассислар ҳам қатнашмоқда.

Улар янги алифбонинг янги нусхасига хисса қўшиш мақсадида тинмай меҳнат қилишмоқда.

Айтганча, совет даврида туркий мамлакатлар учун ягона алифбони татбиқ этиш тажрибаси си наб кўрилган. Бу алифбода 34та белги бор эди. Уни Озарбайжон ва Ўзбекистон қабул қиласди, лекин икки йилча фойдаланиб кўргач, ундан воз кечган. Сабаби, туркий тилларнинг бир-бирларига ўхшаш жиҳатлари кўп бўлгани билан, барibir фарқли томонлари ҳам етарли.

Марказга тақдим этилган яна бир алифбо нусхасида иккита ҳарфдан иборат ёзув белгиси, яъни тўртта диграфдан фойдаланиб, Ц ҳарфидан бутунлай воз кечиш ҳақида гап боради. Бу вариант кўлланишда яна қатор муаммоларни түгдириши турган гап, дейишмоқда мутахассислар.

Яна бир лойиҳада саккизта диграфдан фойдаланиш тавсия этилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу ҳам унча тўғри келмайди.

Яна бир қозоғистонлик олим 35та белгидан иборат алифбони тақдим этиб, талафузда эши-тиладиган барча товушларни ёзишга ундаиди. Бу ўз навбатида қозоқ тилидаги сўзларнинг ҳаддан ташқари узун бўлиб кетиши ҳамда ҳар бир ўзига хос ҳарф ўрнида иккитадан белги ишлатишга олиб келади. Масалан, қозоқча “су” – “сү”, “ит” – “иit” деб ёзилиши керак.

ЭНДИ ҚАНДАЙ ИШЛАР ҚИЛИНАДИ?

Қозоғистон учун янги грамматик луғат керак, деб ҳисоблашмоқда марказ раҳбарияти. Сабаби, сўнгги луғат 1983 йилда қабул қиласди 1983 йилда қабул қиласди, мазкур муаммо ҳам барҳам топади, кейин 30 йил ичидан давлат тилига кириб қолган барча янги сўзлар ҳам янги луғатга киритилади.

Булар фуқаролар ўртасидаги турли тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Янги алифбо қабул қиласди, мазкур муаммо ҳам барҳам топади, кейин 30 йил ичидан давлат тилига кириб қолган барча янги сўзлар ҳам янги луғатга киритилади.

Зоро, қозоқ тили 95та расмий тил қаторига киради ва юқори мақомга эга, чунки унда ўн миллиондан зиёд одам гаплашади. Шунинг учун ҳам, олимларнинг фикрича, потинчага ўтиш сифатли, шошма-шошарликсиз амалга оширилиши керак.

Н. МАВЛОНОВА тайёрлади.

● Бугун – Ҳусниҳат куни

ДАСТХАТИНГИЗ ЧИРОЙЛИМИ?

